



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Микрокредитбанк” АТБ

Бошқарув раиси ўринбосари

И. Джуманиязов

«15» анвар 2024 г.

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

“Микрокредитбанк” АТБ балансидаги бино-иншоотларнинг МҲХС талаблари бўйича бозор баҳосини аниқлаш юзасидан

Келишилди:

Бухгалтерия ҳисоби  
департаменти директори

Ж.Сагдуллаев

Ишларни бошқариш  
департаменти директори

О. Мирсагатов

## **1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

### **1.1. ЛОЙИХАНИНГ ТЎЛИҚ НОМЛАНИШИ:**

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки балансидаги бино-иншоотларнинг МҲХС талаблари бўйича бозор баҳосини баҳолаш.

### **1.2. БУЮРТМАЧИ:**

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки (кейинчалик «Буюртмачи»).

Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй

Телефон: (+99871) 207-46-52 (1070)

### **1.3. ИЖРОЧИ:**

Ушбу лойиҳанинг ижроси белгиланган тартибда танлов орқали аниқланади.

### **1.4. ЛОЙИХАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА АСОС:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори, 26.11.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3336 Қарори.

### **1.5. ЛОЙИХАНИНГ БОШЛАНИШ ВА ЯКУНЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МУДДАТ:**

Лойиҳанинг режалаштирилган муддати: 2024 йил 1 февраль (шартнома тузилган санадан бошлаб 20 календарь кун)

### **1.6. МОЛИЯЛАШ МАНБАСИ:**

Лойиҳа манбаси буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **1.7. 2. ОБЪЕКТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **2.1. БАНКНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ:**

Тўлиқ номланиши: “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки

“Микрокредитбанк” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” АТБни ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3750-сонли Фармони асосида ташкил этилган.

### **3. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ**

#### **3.1. ЛОЙИХАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШДАН МАҚСАД:**

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, банкнинг 2023 йил якунлари юзасидан тузиладиган молиявий ҳисоботларда қўллаш учун банкнинг банк хизматлар офиси ва марказларига тегишли жами 83 дона бино-иншоотларни МҲХС талаблари бўйича бозор баҳосини (адолатли қийматини) аниқлаш.

#### **4. ЛОЙИХА ИШЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

**4.1.** Банкнинг қайта баҳоланган банк хизматлар офиси ва марказларига тегишли жами 83 дона бино-иншоотлар баҳоловчи ташкилот томонидан бозор баҳоси маълумотлари тикилиб (переплёт), муҳрланган ҳолда топширилади. (1-илова)

#### **4.2. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТИ:**

Банк томонидан 2023 йил 29 декабрь ҳолатига баҳоланаётган бино-иншоотлар бўйича маълумотларни ижрочига электрон (excel) шаклда тақдим этиш.

#### **4.3. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТИ:**

Ижрочининг лойиха ишига қўпол равишда бепарволиги ёки қасддан қилинган хатти-ҳаракати натижасида зарар кўриши ёки зарар кўришга олиб келиши мумкин бўлган хизматлар доирасида етказилган зарар учун ижрочи жавобгар бўлади.

#### **4.4. БАЖАРИЛГАН ИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:**

Банк томонидан 2023 йил 29 декабрь ҳолатига Банкка тегишли бино-иншоотларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун шартнома тузилган санадан бошлаб 20 календарь кун давомидада тўлиқ баҳолаб, банкка электрон (excel) ҳамда тикилган (переплёт) ва муҳрланган ҳолда тақдим этиш.

#### **5. ТЎЛОВ ШАРТИ**

##### **5.1. ШАРТНОМАДА ОЛДИНДАН ТЎЛОВ**

Олдиндан тўлов шартнома суммасининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида тўланади. Қолган қисми бажарилган ишлар далолатномасига асосан амалга оширилади.